

## “Бутунжаҳон ер куни”га бағишиланган танлов бошланди

Бугун институтимизда “22-апрель- Бутунжаҳон ер куни” бағишиланган “Бизнинг ер, бизнинг келажак” шиори остида иқтидорли ёшларнинг расмлар ва инновацион кўргазмалар ишланмаси бўйича танловлар ўз ишини бошлади. Маълумки, 2009 йил 22 апрелда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 63-сессиясида “22-апрель – Бутунжаҳон ер куни” сифатида нишонланиши белгиланган. Республикаимизда ҳар йили ушбу кунга бағишиланган тадбирлар ва танловлар ўтказилиб келинади. Шу муносабати билан 2021 йил 15-17 апрель кунлари институтимизда “Ер ресурсларини бошқариш” факультети томонидан ташкил этилган “Бизнинг ер, бизнинг келажак” шиори остида иқтидорли ёшлар ўртасида танловлар ўтказилади.



Бугун ушбу танловларнинг биринчи куни. “Ер бизнинг ягона уйимиз” мавзусида расмлар ва инновацион ишланмалар кўргазмалари институтимизнинг иқтидорли талабалари томонидан намойиш этилди. Танловнинг биринчи куни бўлишига қарамасдан ҳар бир факультетлардан ижодкор, ташаббускор, билимга чанқоқ талабалар ўзларининг ижодий ишлари, фотосуратлар, инновацион ишланмалар кўргазмаси билан фаол иштирок этишди ва ҳимоя қилдилар, натижалари ҳайъат аъзолари томонидан муносиб баҳоланди.



Тадбирда соҳа бўйича корхона ва ташкилот вакиллари, институтнинг илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори Т.З.Султонов, бўлим бошлиқлари ҳамда Ёшлар иттифоқи фаоллари иштирок этишди. Танлов тафсилотлари “Ўзтелерадиокомпания”нинг “Ёшлар” телеканали дастури оммавий ахборот воситаларида ёритилди. Танловлар 16 ва 17 апрель кунлари давом этади. 16 апрель куни “Ер жамият бойлигининг манбаи” мавзусида интеллектуал ўйин, 17 апрель куни “Ерни аслидай-асрайлик” мавзусида видеороликлар танлови бўлиб ўтади. Барча танлов иштирокчиларга омад тилаймиз!



**Ер ресурсларини бошқариш факультети декани муовини Х.Эшова ахбороти  
ТИҚҲММИматбуот хизмати**